

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«23» июль 2019 г.

№ 619

Toshkent sh.

**Жizzах вилоятида гўшт-сут маҳсулотлари етиштириш йўналишидаги
агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Жizzах вилоятида агросаноат кластерини жадал ривожлантириш, наслли чорва моллари сонини, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган сифатли гўшт-сут маҳсулотлари ва гўшт маҳсулотлари ҳажмларини режали кўпайтириш, қорамолларнинг янги наслларини, шу жумладан гўшт берадиган қорамоллар боқишини ўзлаштириш, экспорт салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. “Delmor” (XXP) компанияси (кейинги ўринларда инвестор деб аталади) томонидан:

Жizzах вилоятида гўшт-сут йўналишида йилига 2,5 минг тонна гўшт етиштириш қувватига эга ва қорамоллар умумий сони 10 минг бошни ташкил этадиган қиймати 100 млн АҚШ доллари бўлган замонавий агросаноат кластерини (кейинги ўринларда инвестиция лойиҳаси деб аталади) ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётганлиги;

ушбу инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида масъулияти чекланган жамият шаклида “Jizzax organic” хорижий корхонаси (кейинги ўринларда “Jizzax organic” МЧЖ ХК деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жizzах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2019 йилда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун умумий майдони 10 775 гектар бўлган ер участкаларини, шу жумладан Жizzах вилоятининг Зомин ва Зарбдор туманларида 8 964 гектар суғориладиган ерларни “Jizzax organic” МЧЖ ХКга узоқ муддатли ижара хуқуки асосида ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, суғориладиган ерлар инвестор ва “Jizzax organic” МЧЖ ХК томонидан қўйидаги инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан ажратилади:

2019-2023 йиллар мобайнида умумий қиймати 100 млн АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар киритиш;

замонавий чорвачилик комплексини ташкил этиш ва озуқа ишлаб чиқариш бўйича ўз маркази, сўйиш цехи ва биогаз курилмаларини барпо этиш;

фақат замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва илғор агротехнологиялардан, шу жумладан ерларни лазерь ёрдамида режалаштириш ва янги сеялкалардан фойдаланиш;

илмий асосланган тўрт йиллик алмашлаб экишни жорий этган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ем-хашак бўладиган навлари етиштирилишини ташкил этиш;

1000 та янги иш ўрни ташкил қилиш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини жорий қилиш.

4. Жиззах вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига инвестор ва “Jizzax organic” МЧЖ ХК томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши ҳолати тўғрисида ҳар ойда ахборот киритсин;

инвестор ва “Jizzax organic” МЧЖ ХК томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишган ҳолда тақдим этилган ер участкалари захира ерларга қайтарилишини таъминласин.

5. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида:

“Jizzax organic” МЧЖ ХКга – 2019 йил 1 сентябргacha бир вақтнинг ўзида лойиҳа-смета хужжатларини (ишчи лойиҳа), шу жумладан атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ишлаб чиқиш ва курилиш-монтаж ишларини амалга оширишга;

“ЎзГАШКЛИТИ” ДУКка – маҳаллий ёки шартли кординаталар тизимларида бериладиган ер участкалари бўйича топографик суратга олиш материалларини “Jizzax organic” МЧЖ ХКга беришга рухсат этилсин.

6. Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ “Jizzax organic” МЧЖ ХКга ташкил этилаётган агросаноат кластерини ташқи муҳандислик ҳамда транспорт коммуникацияларига улашда зарур ёрдам кўрсатсинлар.

7. Кўйидагилар инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

инвестор томонидан лойиҳа ва курилиш-монтаж ишларини молиялаштириш учун инвестиция лойиҳаси умумий қийматининг камида 25 фоизи микдорида йўналтириладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;

халқаро молия институтларининг наслли қорамоллар, юқори технологик импорт ускуналар, машина ва механизмлар, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун инвестиция лойиҳаси умумий қийматининг 70 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жалб этиладиган ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ орқали қайта молиялаштириладиган кредитлари;

“Jizzax organic” МЧЖ ХКнинг фоизлар ва комиссияларни тўлаш, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ кредитларига хизмат қўрсатиш билан боғлик бошқа харажатларни қоплашга йўналтириладиган инвестиция лойиҳаси умумий қийматининг камида 5 фоизи миқдоридаги ўз маблағлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-Фармонига мувофиқ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга тақдим этилган юридик шахсларнинг даромад солиғи бўйича имтиёзлар “Jizzax organic” МЧЖ ХКга ҳам татбиқ этилади.

9. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ХК 2030 йил 31 декабргача бўлган муддатда:

а) “Jizzax organic” МЧЖ хорижий мутахассислар жисмоний шахслар даромад солиғини ва ягона ижтимоий тўловни тўлашдан;

б) “Jizzax organic” МЧЖ ХК, Сингапурнинг “Enter Engineering Pte.Ltd” компанияси (бош пудратчи) ва унинг субпудратчи ташкилотлари:

ўз ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича ускуналар, махсус транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, моддий-техника ресурслари, хомашё, материал ва ўсимликларни олиб киришда божхона тўловларини тўлашдан (божхона йигимлардан ташқари);

республикада аккредитациядан ўтган тегишли синов лабораториялари мавжуд бўлмаган ҳолларда – импорт қилинадиган материаллар, ускуналар, машина ва механизмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик жиҳозлар, приборлар, эҳтиёт қисмлар ва асбобларни мажбурий сертификатлаштириш тартиботларидан озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга “Jizzax organic” МЧЖ ХК буюртманомалари бўйича кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга “Jizzax organic” МЧЖ ХК буюртманомалари бўйича Ўзбекистон Республикасида визалар берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинча яшаш жойида вақтинча прописка қилиниши ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги “Jizzax organic” МЧЖ ХКнинг буюртманомалари бўйича Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучини ва мутахассисларни (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида мавжуд бўлмаган) жалб қилишга рухсатнома берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д.Вахабов ва Жиззах вилояти ҳокими Э.А.Солиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов